

Депутат - халқ манбаатлари ҳимоячиси

Халқ ишончини қозониб у томонидан сайланган депутатнинг юки оғир бўлади. Чунки бунда халқ эътибори ва ишончига масъулият ва мажбурият бор. Сайловчилар ўзи сайланган депутатга ўз дардини айтиб муаммоларнинг ечими хусусида маслаҳат сўрайди. Уни ўзига яқин тутади. Сирдош сифатида ўз сирларини айтади. Дунё миқёсида оладиган бўлсак, ҳар бир ривожланган ва иқтисодий-ижтимоий соҳада бой, аҳолисига ҳар қандай қулайликлар мавжуд давлатларда қонун устуворлиги, суд-хуқуқ органлари фаолиятидан халқ рози бўлиб яшаб келмоқда. Қонун устуворлиги ва тартиб бор жойда албатта, ривожланиш бўлади. Қонунчилик жозибадорликини оширишдаги асосий бўғинлардан бири бу Олий Мажлис қонунчилик палатаси ҳисобланади. Шу ўринда, бу тизимда ҳам, айни дамда ёшларимизга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда ва ёшларга тенгдошлари номидан чиқиб, ёшларнинг ҳуқуқларини талаб этишдек масъулиятили ишларда ўзини синаб кўришга замин яратиб берилмоқда. Шу мақсадда, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати хузурида Ёшлар парламентини ташкил этилиши ҳам юқоридаги гапимизни исботи бўлиб хизмат қиласди.



Хабарингиз бор, бугунги кунда Пандемия даврида, Карантин шароитида кўплаб ташкилотларда хусусан, Олий таълим муассасаларида онлине конференциялар, онлине форумлар, онлине учрашувлар ташкил этилмоқда. Биз, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандилари институти фаол талабалари ана шундай ташабbusларни илгари суриб, кўплаб талабалар хоҳиш ва истакларидан келиб чиқиб Онлине сухбатлар ўтказиши режа қилдик. Бугунги, меҳмонимиз халқ назарига тушган, ҳар доим аҳолининг дард-у ташвиши билан яшайди ва туман, маҳаллалар орасида келиб чиқадиган низоли вазиятларга ечим топишда жонбозлик кўрсатиши билан, депутатлар орасида ажralиб турадиган Расул Кушербаев бўлди. Даствлаб, иштирокчилар Зоом орқали рўйхатга олинди. Онлине сухбатни Республика Олий таълим Кенгаши раиси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори, устозимиз Умурзаков Ўқтам Пардаевич “Ёшлар парламенти, қонунчиликда ёшларга оид ислоҳотлар” мавзусидаги онлине сухбатни очиб бердилар ҳамда йиғилганларга онлине сухбат юзасидан ўзининг илиқ фикрларини билдириб ўтдилар. Зоом дастури орқали бўлиб ўтган Онлине сухбатда 400 дан ортиқ иштирокчилар қатнашишди ҳамда бир вақтнинг ўзида Фасебоок ижтимоий тармоғи орқали жонли эфирда кўплаб юртдошларимиз ҳам иштирок этишиди. Онлине сухбат самимий, мулоҳазали, оддий ва албатта кўтаринки кайфиятда бошланди. Онлине сухбатга Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р.Чориев, Институт фаол ёшлари жамоаси аъзолари А.Бердимуродов, Д.Акбаров, У.Манзирбойевлар модераторлик қилишди.

Расул Кушербаев даствлаб Олий Маслис қонунчилик палатасидаги иш жараёни билан ўртоқлашди. Ҳар бир соҳада муҳим ўзгаришлар қилиш учун, ҳар бир шахс ўз ҳаётида кескин қарорлар чиқариши зарур. Меҳмонимиз ҳам халқ назарига тушиб, халқ дарди билан яшаш ва ҳар қандай вазиятда ҳам қонун асосида иш кўриш тарафдори бўлиб, депутатлик борасида улкан натижаларга эришиш учун ёшлиқда у ҳам, муҳим қарор чиқаргани таҳсинга лойик. Р.Кушербаев ёшлиқида учувчи бўлишни орзу қилгани, аммо бир фильмдан таъсирланиб, ўз фикрини ўзгартирган ва бор билим салоҳиятини халқ манбаатлари йўлида сафарбар қилишга қарор қилган эди. Учувчилик фаолиятидан воз кечиб, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети, Халқаро журналистика факултетида таълим олган.



Кейин, эса интерактив саволларга навбат берилди. Модераторлар томонидан талабаларнинг ва иштирокчиларнинг Ёшлар парламенти, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ҳамда таълим тизимига доир саволлари берилди. Расул Кушербайев саволларнинг ҳар бирига имкон қадар жавоб бериб ўтди ва ўзининг бу фаолиятлар юзасидан қандай ташабbusлар қилиш бўйича таклиф ва

хуносаларини бериб ўтди. Ёшлар Парламенти иш фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб, юзага келадиган қийинчиликлар ва ёшларга яратиб бериладиган имкониятлар юзасидан ўз хуносаларини айтиб ўтди. Ёшлар парламентидаги ёшлар албатта, ўз туман ва шаҳарларидағи аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бизга ва Сенат минбарига қўрқмасдан олиб чиқишига ишонаман деб ўз сўзини якунлади. Институтимиз ректори, устозимиз Умурзаков Ўқтам Пардаевич ҳам онлине суҳбатга бефарқ бўлмаган ҳолда, ўз фаолиятидан келиб чиқган ҳолда, Олий таълим тизимида ёшлар орасида коррупсия иллатига қарши ёшларнинг онгига иммунитет ҳосил қилиш, таълим соҳасидан бу иллатни туб илидзигача йўқ қилиш юзасидан депутаттага саволлар билан мурожаат қилди. Расул Кушербаев, ўз фаолиятидан келиб чиқган ҳолда, бу иллатга қарши курашиш, ҳалқимиз онгига ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш юзасидан кўплаб таҳлилий маълумотлар келтириб ўтди. Акмал Бердимуродов, Улуғбек Манзирбоев, Дилмурод Акбаровлар модератор сифатида иштирокчиларнинг саволларини етказиб тадбирга жон баҳш этиб туришди.

Институтимиз раҳбарияти ҳамда ёшлар номидан, Расул Кушербаевга Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида иккинчи мутахасислик бўйича таълим олиши ва ёшларга ўз билим салоҳияти билим, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши англаған ҳолда ўзи танлаган соҳага нафи тегадиган ёшлардан бўлиб етишишда ҳисса қўшишини таклиф этилди. Расул Кушербаев ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлашини ва албатта буни амалий натижаси бўлишини таъкидлаб ўтди. Шу билан Расул Кушербаев иштирокида ўтказилган жонли, баҳсли тарздаги масофавий мулоқот ниҳоясига етди ва унга ўз вақтини аямасдан мулоқотга рози бўлгани учун институт раҳбарияти томонидан миннатдорчилик билдириди.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати